

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

4-2017
август

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Г.АКРАМОВА	
Номинатив бирликлар функцияларини ўрганиш ва уларни ўқув жараёнида қўллаш	70
Ш.ЮСУПОВА	
Инглиз ва ўзбек тилларида зоонимлар иштирок этган фразеологизмларни таржима қилиш хусусида	73
Ғ.ХОШИМОВ, А.ЗИЯЕВ	
“Интенсификация/деинтенсификация” концептуал семантикаси вербализатор- ларининг когнитив типологияси.....	75
Н.АЛИЕВА	
Инглиз ва рус тилларида кичрайтириш маъносидаги фразеологик бирикмаларнинг тиллароро корреспонденцияси	82
Қ.КАХАРОВ	
Ўзбек ва немис халқлари мулоқотида паралингвистик воситаларнинг қўлланилиши	85

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

М.АДҲАМОВ, М.ЖАЛИЛОВ	
Бошлангич синф ўқувчиларида иқтисодий маданият элементларини шакллантириш	88
З.БОБОЕВА, С.ИУЛДАШЕВА	
Тасвирий санъатга оид энг қадимги маконлар	91
Р.ДЖАЛИЛОВА	
Буюк тасвирий санъати усталари ижодининг узлуксиз таълимдаги ўрни	94

ИЛМИЙ АХБОРОТ

Н.МИРЗАКАРИМОВА	
Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика фанини ўқитишнинг баъзи хусусиятлари	96
Ш.ЯКУБОВА, Н.НОСИРОВ, З.ОЛИМОВА, Ф.БИЛОЛОВА	
Ўрта маҳсус ўқув юртларида физикадан ўқув тажрибаларининг кўринишлари ва уларнинг вазифаларини ўрганиш	98
М.РАСУЛОВА, Ф.РАСУЛОВ, У.БОЛТАБОЕВ	
Қон ва сийдик таркибидаги сийдик кислотасининг миқдорига гиперурикемиядаги боғлиқлигини тажрибада ўрганиш	100
Д.ҚОДИРОВА, С.ТЎХТАЕВ	
Кальций хлорат - фосфат учэтаноламмоний – сув системасининг эрувчанлик диаграммаси	102
Н.ЖУРАҚЎЗИЕВ	
“Хуастуанифт”да самовий культ функциялари ҳамда осмон билан боғлиқ тушунчалар	105
Д.ТЕШАБОЕВ	
“Маснавий ҳикматлари” асарида қўлланган ҳавола бўлакли қўшма гапларнинг шаклий тузилиши	107
З.АКБАРОВА	
Тил ва унинг функциялари ҳақида	109
З.САЛАХИДИНОВА	
И.С.Тургенев прозасида фразеологик бирикмаларнинг функционал вазифаси	111
Н.ҚАРШИЕВ	
Қорақўл териларининг тур ва навларини англатувчи атамалар	113
Н.АББАСОВА, М.ХОДЖАЕВА	
Ўқувчиларда хорижий тил савияси ҳосил бўлишида ролли ўйинлардан самарали фойдаланиш	115
Б. СОТВОЛДИЕВ	
Инглиз ва ўзбек тилларида лексик жаргон ва арголарнинг лингвистик моҳияти	116
Г.ИУЛДАШЕВА	
Информатика фанининг бошқа фанлар билан интеграция алоқалари	118
Д.НУРАЛИЕВА	
Оиласа психологик хизмат кўрсатиш орқали шахснинг ижтимоий ўрнини белгилаш	121

ХОТИРА

Наримон Нурматович ҚОРИЕВ]	124
-----------------------------------	-----

ТАҚРИЗ. БИБЛИОГРАФИЯ

Библиография	125
--------------------	-----

ТИЛ ВА УНИНГ ФУНКЦИЯЛАРИ ҲАҚИДА

З.Акбарова

Аннотация

Мазкур мақолада тил ва унинг функциялари ҳамда коммуникативлик инсонлар ўртасидаги муроқотнинг асосий механизми эканлиги ёритилган.

Аннотация

В данной статье рассматриваются вопросы языка и его функций, а также коммуникативность как основной механизм общения людей.

Annotation

The given article reveals the issues of the language and its' functions along with the communicativeness, which is considered to be the main function of the language as the basic mechanism of communication

Таянч сўз ва иборалар: тил, тилнинг вазифалари, тилнинг бош вазифаси, коммуникативлик, муроқот, нутқ, эмбрионал “тил”, вербал тил.

Ключевые слова и выражения: язык, функции языка, основные функции языка, коммуникативность, общение, речь, эмбриональный язык, вербальный язык.

Key words and expressions: language, function of a language, main functions of a language, communicativeness, communications, speech, embryonic language, verbal language.

Инсон тилида товуш ва унинг ўрни ҳақида адабиётнинг йирик назариётчиси академик Л.И.Тимофеевнинг “Слова в стихе” номли китобида ғоят қизиқарли фикрлар берилади. Унингча, кейинчалик тил, нутқ номлари билан юритиладиган товуш инсоният маданиятининг бешиги деб аталмиш томон кўз илғамас ҳолда яқинлашишни бошлайди, унда ҳаёт фактларидан шу ҳаётни англаш фактлари униб чиқади. Дастрраб у ёки бу эмоционал ҳолатларни қўзғатувчи, бевосита ўзига боғланиб турадиган воқелик ҳодисаларига ўта жўн субъектив муносабат тарзида бўлган. Олд тил ўзининг бошланиши, пайдо бўлишида фақат соф эмоционал бўла олар эди. “Ҳайвонлар тили”, унинг товушли ёзувлари борасида олиб борилган ҳозирги замон тадқиқотлари бунга гувоҳлик беради. Бу олд тил, энг аввало, ситуативdir, яни ҳаёт, яшаш муҳити вужудга келтирган товуш билан бевосита, органик алоқададир...

Эмбрионал “тил” – бу, эмоционал олд тил бўлиб, ўз асосига кўра, полисемантик, окказионал, ситуатив тилдир, ташвишли, таҳдидли, хавфли, ҳалокатга олиб бориши мумкин бўлган аниқ лаҳза, аниқ вазиятлардагина вужудга келади, намоён бўлади. Эмбрионал, вербаллик ва сўзлилкгача бўлган дастррабки тил экстремал вазиятларда дунёга келади ва шунинг учун ҳам у тўлалигича эмоционалдир... Вербал тил вужудга келиши, шаклланishi билан коммуникативликдан, ҳайвонлар “тили” да имкони бўлмаган

ашёвийлик томон ўсиб ўтади. Дастррабки тил – олд тилни шартли равишда “нутқ – кураш” деб, вербал тилни эса “нутқ – муроқот” деб аташ мумкин... “Нутқ – кураш” бир лаҳзали, тасодифийлик билан боғлиқ бўлса, “нутқ – муроқот” кўп лаҳзалидир [1.36.]

Юқоридаги қараш ва назариялар бўйича гапириш механизми, шу механизмни вужудга келтирувчи ва ташкил этувчилари сифатида психологияк ва физиологика омилларга асосий эътибор қаратилган. Физиологик омил ҳаракатланувчи аппаратни созлайди, шакллантиради, у товушни бир хиллиқдан чиқаради, унинг социал функция бажариши учун хизмат қиласи. Психологияк омил эса, ана шу аппаратни ҳаракатга келтиради. Ҳар иккиси биргалиқда тилни “ишлаб чиқаради”. “Ҳистойғу ифодалашнинг товуш воситалари борабора нарсалар, уларнинг хусусиятлари ҳамда муносабатларини англатувчи восита сифатида шаклланниб борадилар, олдиндан ўйлаб кўйилган хабар-ахборот бериш функциясини бошлайдилар” [3.816].

Инсон тили бир ёқлама бўлиб, фақат коммуникатив функция майдонида қолиб кетмайди, у ҳайвон ва қушлар “тили” дан фарқ қиласи, бу тил ҳақида гапирилганда,... ҳайвонлар “тили” қанчалар қулай бўлмасин, фақат коммуникация воситасидир; инсон тили оламни билиш ва шунинг билан бирга, кишиллараро муроқот механизмидир [4.185]. Инсон тили унинг “руҳий қурдатини доимий

3.Акбарова – ФарДУ ўзбек тилишунослиги кафедраси доценти, филология фанлари номзоди.

фаолиятга йўналтирувчи ҳодисалардан биридир” [5.52].

Шундай қилиб, инсонлар орасидаги муносабатларнинг сигнал воситаси бўлган товуш товуши тил учун асос бўлиб хизмат қилиш орқали ашёвий тилга ўсиб ўтади. Бу эволюцияда мурожаат етакчи роль йўнайди. Мана шу мурожаат майдонидаги эҳтиёжнинг тинимсиз кенгайиб бириши туфайли тилнинг онг ва тафаккур билан ўзаро алоқадорлик ва шартланганилиги, функцияси ҳам биргаликда кенгайиб, чуқур мазмунийлик касб этиб боради. Инсон онгидаги акс этган бутун борлиқни – объектив реалликнинг тўпловчиси, жамловчиси, қайд этувчиси даражасида шаклланади. Бу жараёнда унинг ўзи иккичи борлиқка – биринчи борлиқни ўзида умумлаштириб ифодаловчи воситага айланади. Бу ҳақда А.Г.Спиркин ҳамда В.В.Мартиновлар хуносаларига муносабат билдириб Е.Н.Панов шундай ёзади: “Фақат тил туфайли инсон якка предмет ва ҳодисалар билимидан уларнинг тушунча шаклидаги умумлашган инъикосига ўтиш имконига эга бўлади”. Борлиқ ҳақидаги барча билимлар инсон хотираси ва тилида яшайди ... лингвист В.В.Мартинов тилни бизни ўраб турувчи ташки реаллик бўлган “1-Борлиқ”дан фарқли равишда “2-Борлиқ”, деб жуда топиб номлаган [6.9-31].

Шу маънода тил инсон онгли фаолияти ва тафаккурининг бир элементидир. У маълумотлар тўпловчи, жамловчи, биринчи борлиқни акс эттирувчи бир бутун системадан иборат бўлиш билан бирга, ҳам интеллектуал, ҳам руҳий-маънавий олам яралishiда иштирок этади [7.65]. Тафаккур фаолияти туфайли қайтадан руҳий-маънавий дунё сифатида яратилган моддий дунё инсон онгидаги тилдаги

материя сифатида мавжуд бўлади ва яшайди, тил “нарса ва ҳодисалар дунёсининг материалини фикр шаклида қайта қуяди” [8. 54], айни шу хусусияти туфайли Е.Н.Панов ва В.Ф.Петренколар томонидан тасдиқланган В.В.Мартинов ҳамда А.Р.Луриялар белгилаганидек, иккичи борлиқка айланади. Иккичи борлиқ бўлмиш тилнинг пайдо бўлиши бўйича қарашларнинг бир хил эмаслиги, турли даврларда турлича бўлганлигига қарамасдан, муносабат, ўзгага муносабатнинг ифодаланиши ўзгармай қола берган.

Тилшунослик тариҳида шундай даврлар ҳам бўлганки, тилнинг бош вазифаси ҳисоблаб келинган коммуникатив функция иккичи планга сурилиб, унинг моҳияти бу вазифадан келиб чиқиб қаралмаган. “Энг янги тилшуносликнинг асосчиларидан бири В.Гумбольдт учун тил “жамиятдаги одамлар муносабатининг ташки воситаси” сифатида эмас, балки дунёни билиш воситаси, “улар (кишилар) нинг ақл кучлари ва дунёқарашлари вужудга келиш тараққиётининг “ воситаси сифатида пайдо бўлади [9.6].

Кўринадики, тилда ақл ва дунёқарашни вужудга келтирувчи, шакллантирувчи таассуротлар акс этади. Шу маънода “тил инсоннинг турли сезгилари орқали идрок қилинган таассуротларининг онгли равишида товушлар орқали ифодаланишидир” [10.344].

Хуллас, тилнинг пайдо бўлиш заминида ҳам, сигнал “тил”дан ашёвий тилга томон тараққий этиш, тафаккур билан биргаликда “ишлиш”, функцияларининг кенгайиб ва чукурлашиб, кўп қиррали бўлиб бориш заминида ҳам, доимий равишидаги эҳтиёж сифатида марказий ўринини эгаллаб келган.

Адабиётлар:

1. Рождественский Ю.В. Лекции по общему языкоznанию. – М.: Высшая школа, 1990.
2. Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. – М.: Советская энциклопедия, 1969.
3. Философский энциклопедический словарь. – М.: Советская энциклопедия, 1983.
4. Панов Е.Н. Знаки, символы, языки. – М.: Знание, 1980.
5. Гумбольдт В. Избранные труды по языкоznанию. – М.: Прогресс, 1984.
6. Телия. В.Н. О специфике отображения мира психики и знания в языке. Сб.: “Сущность, развитие и функции языка”. – М.: Наука, 1987.
7. Постовалова В.И. Язык и человек в лингвофилософской концепции В.Гумбольдта. “Сущность, развитие и функции языка”. – М.: Наука, 1987.
8. Верещагин Е.М., Костоморов В.Г. Лингвострановедческая теория языка. – М.: Русский язык, 1980.
9. Мюллер М.Сравнительная мифология. В.кн: “Хрестоматия по теории литературы”. – М.: Просвещение, 1982.

(Тақризчи: С.Мўминов, филология фанлари доктори, профессор).